Туркистон бир, ватан бир

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

1993 йил 9 октябрь • Шанба • № 115 (14143)

ترکستان ✽ TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасида

5—6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вазифасини бажарувчи Конституциявий назорат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди, унда якка тартибдаги уй-жой қурилиши масалалари бўйича фуқаролик ва жиноят қонуни нормаларининг конституциявийлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Ҳ. Халилов, Олий суд раиси У. Қ. Мингбоев, Олий хўжалик судининг раиси Р. А. Хачатуров, Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг аъзолари иштирок этдилар. Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасига биноан ушбу масала бўйича қўмита хулосаси қуйида эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг хулосаси

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ВА ЖИНОЯТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилган қарорига мувофиқ Конституциявий назорат қўмитаси таркиби зиммасига вақтинча Конституциявий суднинг вазифаси юклатилди. Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 ва 109-моддаларига ҳамда Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, ўз мажлисида «Якка тартибда уй-жой қурилиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят қонун ҳужжатлари нормаларининг конституциявийлиги тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Бу масала қўмита аъзолари Б. И. Пинхасов, Т. Изимбетов, Т. Тожиев ва М. Тешабоевлар томонидан киритилган бўлиб, Конституциявий суд раиси вазифасини бажарувчи Ш. З. Ўразаев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Р. Қ. Қаюмов, Конституциявий суд котиби вазифасини бажарувчи С. А. Ҳакимова, Конституциявий суд аъзолари вазифасини бажарувчилар — Т. Изимбетов, М. Мирҳамидов, О. Ҳ. Олимжонов, М. Ҳ. Раҳмонқулов, Н. К. Скрипников, Т. Тожиев, М. Тешабоевлардан иборат таркибда қараб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик, ер, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари фуқароларнинг, фуқаролар бирлашмаларининг уй-жойга нисбатан турар-жой ва бошқа биноларни қуришга, шахсий ёки жамоа тасарруфидаги томорқаларни ишлаб чиқариш мақсадларида ўзлаштиришга оид ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»дир (**36-модда**) ҳамда «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир» (**53-модда**), «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади» (**54-модда**), дейилади.

«Мулчилик тўғрисида»ги (**1, 7, 8-моддалар**), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги (**10, 11-моддалар**) Қонунларга биноан турар жойлар, дала ҳовлилар, боғлар, хўжалик иморатлари фуқаролар мулки бўлиши мумкин. Фуқаролар уларни ўз хоҳишлари бўйича тасарруф қилишлари, яъни сотишлари, васият қилиб қолдиришлари, ижарага беришлари, мулклар юзасидан қонунга зид бўлмаган турли хил битимлар тузишлари мумкин. «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 32, 33, 34, 35-моддаларида мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш белгиланган. Мулк ҳуқуқидан маҳрум қилиш асосларининг рўйхати қонунда қатъий чегараланган.

Бу нормалар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (**17-модда**), 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимга (**2-моддасининг 1-банди**) тўла мос келади.

Шу билан бирга якка тартибдаги уй-жой қурилиши соҳасида ҳозиргача Конституцияга ва янги қонун ҳужжатларига зид нормалар амал қилиб келмоқда.

Масалан, Ўзбекистон фуқаролик кодексида белгиланганидек, фуқаронинг шахсий мулкида битта уй (ёки уйнинг бир қисми) бўлиши мумкин, бу уй-жойнинг (ёки унинг бир қисмининг) ҳажми, турар жой майдони тўқсон квадрат метр бўлган миқдордан ошмаслиги лозим (**120-модда**). Ушбу қоида бузилган тақдирда бир уйдан ортиғига нисбатан шахсий мулк эгалиги бекор қилинади ва иккинчи уй (уйлар) мулкдорнинг хоҳишига қараб сотилиши, ҳадя қилиниши ёки бошқа усул билан бировга ўтказилиши лозим (**121-модда**). Давлат ёки жамоат турар жой фондига қарашли уйда ёхуд уй-жой қуриш ширкати уйида уй-жойининг мавжудлиги уй-жойга бўлган шахсий мулк ҳуқуқи бекор қилиниши учун асос бўлади (**122-модда**).

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида қавати, хоналар сони, турар жой майдони меъёрини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган (**191-3-модда**).

Шаҳарларда, шунингдек, шаҳардан ташқарида якка тартибда қуриладиган уй-жойлар бир ёки икки қават бўлиши, хоналари бештадан, турар жой майдони белгиланган нормадан ошмаслиги тўғрисидаги ЎзССР Министрлар Советининг 1960 йил 22 ноябрдаги 956-сонли ва 1962 йил 4 майдаги 311-сонли қарори ҳамон амал қилиб келмоқда.

Конституциявий суд вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53 ва 54-моддаларига, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунлар, Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиб шундай хулосага келди:

1. Фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларида мустаҳкамланган нормалар, шунингдек, жиноят кодексининг 191-3-моддасидаги қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Мулк-

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»ДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июлдаги 360-сон қарори билан асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг шартномавий (эркин) чакана нархларига ўтиш механизми белгиланган (аҳолига меъёрланган миқдорларда сотиладиган қолипда пиширилган нон ва ун бундан мустасно).

Мана шунга асосланиб, шунингдек МДҲнинг бошқа минтақаларидан ҳамда импорт бўйича ташиб келтирилаётган гўшт ва қанд-шакарнинг нархлари муттасил ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари қўшни республикаларга ғайриқонуний равишда ташиб кетилиши йўлидаги уринишларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги 1993 йилнинг 11 октябридан бошлаб меъёрлар бўйича сотиладиган ҳар бир килограмм гўштнинг чакана нархини 1200 сўм ва қанд-шакарнинг нархини 450 сўм миқдорида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шуни таъкидлаш заарурки, ҳатто янги нархлар белгиланганда ҳам барча харажатларни қоплаш учун гўштнинг ўзигагина бир ойга ҳисоблаганда дотациялар миқдори 4,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Нархлар оширилганига қарамай, янги чакана нархлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги энг паст нархлар бўлиб қолаяпти. Қуйида келтирилган маълумотлар шундан далолат беради:

(1 кг учун сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Ереван	Минск	Бишкек	Кишинёв	Олмаота	Душанбе
Гўшт (мол гўшти)	1200	1770	1680	2200	1300	1200	1860	1980	1290
Қанд шакар	450	660	585	1450	1100	1100	—	880	—

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 ноябригача гўшт ва қанд-шакар аҳолига 1993 йилнинг 11 октябригача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойиш сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги «Ўзбексавдо» уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 8 октябрь.

Етакчиларни излаймиз

АҚШ ва Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги ёш мутахассислари ўртасида мулоқот ўрнатиш республика Ёшлар Иттифоқи Маркаий Қўмитасидаги учрашувнинг мавзуси бўлди. Унда Америка байналмилал етакчилик марказининг Тошкентга келган вакиллари қатнашди.

Меҳмонлар икки миллиондан зиёд йигит ва қизларни бирлаштирган республика Ёшлар Иттифоқи иши билан танишдилар. Америка байналмилал етакчилик маркази фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар. Марказ АҚШ, собиқ Иттифоқ республикалари ва Шарқий Европа ёш етакчилари ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида 1985 йилда тузилган. Шундан буён марказнинг фаолият доираси янада кенгайди: Хитой, Мексика, Ғарбий Европа мамлакатлари ёшларининг фаол вакиллари билан мулоқот йўлга қўйилди. Бу ишнинг моҳияти ёшлар ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни айирбош қилиш, энди иш бошлаётган етакчилар — турли давлатлардаги ўрта бўғин раҳбарлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатишдан иборат.

— Мен янги, мустақил Ўзбекистонни барпо этишдан чинакам манфаатдор бўлган, бу ишга билими ва қобилиятини бағишлаётган одамлар билан танишганимдан хурсандман, — деди Америка маркази делегациясининг раҳбари профессор Роберт Фридман.— Биз корхоналарнинг, турли жамоат ва давлат ташкилотларининг ёш раҳбарлари, ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашдик. Ўзбекистонда фаол ишлаётган истеъдодли ёшлар кўп. Уларнинг америкалик тенгдошлари билан танишишлари ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлишига ишонаман. Улар бирбирларидан кўп нарсани ўрганишлари мумкин. Марказнинг Балтимордаги қароргоҳига қайтганимдан сўнг ҳамкасбларимга сафар чоғида кўрган ва эшитганларимни батафсил сўзлаб бераман. Ўзбекистон билан Америка ёшлари энг фаол вакилларининг доимий мулоқоти иккала мамлакат ўртасидаги давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга ёрдам беради.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

К. ЎЛМАСОВ сурати.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котибият йиғилишида Марказий Қўмита муассис бўлган ёшлар ва болалар нашрларига 1994 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ёшлар Иттифоқи қўмиталарида 1994 йилги обунани уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиши таъкидланди. Бу юзасидан районларга хизмат сафарларни режалаштирилганда обуна масалаларини ҳам эътиборга олиш, ҳар бир бошланғич ташкилот ва ҳар бир масъул ходимнинг ёшлар ҳамда болалар нашрларининг бири ёки бир нечтасига обуна бўлишини таъминлаш, йирик ташкилотлар ва корхоналар ҳомийлиги орқали Иттифоқ аъзолари, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни иқтиёзли обуна қилиш имкониятларини излаб топиш, ҳар бир таҳририят обунани намунали уюштириш юзасидан муҳим ва тажрибада яхши натижа берган усуллардан самарали фойдаланиш ҳусусида гап борди. Шунингдек, нашрларни газета ва журналлар, радио, телевидение орқали реклама қилиш, имкониятлардан келиб чиқиб газета, журналлар байрамлари, муштарийлар билан учрашувлар ўтказиш, обунани ташкил қилишда фаол иштирок этаётган Ёшлар Иттифоқи қўмиталари, бошқа ташкилотлар, корхоналар ва фуқаролар фаолиятини ёритиб бориш, обуна даврида айниқса мақолаларни янада ўқимишли бўлишига жиддий эътибор бериш, имтиёзли обунани уюштириш йўлларини ва нашрларнинг мунтазам чиқишини таъминлаш учун ҳомийлар излаб топиш каби масалалар алоҳида тилга олинди.

Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси–70 ёшда

«ҚИЗИЛ ТОНГ»НИНГ ЯНГИ ТОНГИ

Бугун «Қизил тонг» бирлашмаси тикувчи қизларини ишга қўлда тоғора-дастурхон билан шошилаётган ҳолатда учратишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ишхонага бундай ошиқишнинг боиси нимада дейсизми?

Сабаби, уларда бугун тўй. Шаҳло ёки Шоҳистанинг, Нодира ёки Ферузанинг тўйи эмас. Корхонада ишловчи ҳамма-ҳамманинг тўйи. Жонажон корхона 70 ёшга тўлди. Бу муборак кунга ҳар ким турлича ҳозирлик кўряпти. Кимдир ўз қўшиғини, биров жозибали рақсини тайёрлаяпти. Аксари ишловчилар хотин-қизлар эмасми? Уларнинг орасидан пишириқ, ширинлик, қандолат, сомса пиширувчилар ҳам топилиб қолди. Демак, юбилей дастурхони тўкин бўлади. Даромадга қараб-да! Дарвоқе, даромад ҳақида. Бугун «Қизил тонг»лик тикувчилар 70 йиллик тўйларини ўртача 71 минг сўмлик маош билан қаршиламоқдалар. Астойдил меҳнат эвазига эришишмоқда бунга.

Яқинда, аниқроғи, мамлакатимиз мустақиллигининг икки йиллиги тантаналари кунларида бирлашма ғазнасидан корхонанинг бугунги кундаги ишловчилари рўйхатида қайд қилинмайдиган 850 нафар кишига 5 минг сўмдан пул берилди. Аммо бу ҳолат ҳеч кимни ажаблантирмади. Аксинча, ҳамма суюнди. Фурсат келиб, ўзлари ҳам ана шундай сийлов-эътиборга сазовор бўлишлари мумкинлигидан қувонишди. Мукофотланганлар — корхонада турли йилларда фидокорона меҳнат қилиб, бирлашма довруғини кенг ёйган, эндиликда эса қарилик гаштини сураётган фахрийлар эди. Уларга эҳтиром билан дастурхон ёзилди. Ош тортилди. Муҳими бу ҳам эмасди. Корхона ташкил топгандан то ҳозирги кунгача босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаш баҳонасида бир пиёла чой устида дийдорлашув эди. Йиғилганларнинг ўша кунги кайфиятини таърифлашга сўз тополмайсиз. Биров илғор чевар бўлган, яна бири бичиқчи, тикув машиналарини созловчи, цех бошлиғи, фабрика директори. Ўша куни улар бугунги ўзгаришлар, қадрдон гўшада юз бераётганислоҳотлар баробарида кўпроқ тарихдан баҳс қурдилар. Мозий нима дейди?

1923 йилда ташкил этилган 9-Рабкооп тикув устахонаси пайчилари бошқарув олдига барча ишсиз чеварларни иш билан таъминлаш вазифасини қўйди. Ширкат ўша йилнинг ўзида Чимкент йўлида жойлашган илгариги Ташсам фабрикаси биноларидан бирини ижарага олди. Шундай қилиб, бу ердаги ишчиларнинг ташаббуси билан 1923 йилнинг 8 октябрида «Қизил тонг» фабрикаси ташкил топди. Орадан бир йил ўтгач, корхона ёшлар ташкилотига асос солинди. Фабрика заминида бунёдга келган бирлашманинг ҳозирги кундаги биноларига 1925 йилда дастлабки ғишт қўйилган бўлса, 27-йилга бир кун қолганда унинг ишлаб чиқариш биноси ва клуби фойдаланишга топширилди.

Корхонанинг барпо этилиши тарихи қисқача шундай. Унинг оёққа туриш ва тараққий этиш даври ҳисобланган кейинги босқичларида хўжалик юритишнинг турли усулларидан қўлланилди. Социалистик мусобақалар, зарбдор беш йилликлар ва ҳ. к. Булар ўша замоннинг зайли эди. Бироқ қандай бўлмасин, жамоа аҳли халқимизни Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам, ундан кейин ҳам истеъмол моллари билан таъминлаш, замонабоп кийинтириш йўлида сидқидилдан қилган меҳнати эвазига эл-юрт олдида обрў-эътиборга сазовор бўлди. 1971 йилга келиб, «Қизил тонг» ўша йилларнинг энг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Бирлашма ҳаёти ҳақидаги ҳикоямизни унинг фахрийлари билан бўлган учрашув воқеасидан бошладик. Бу бежиз эмас. Ҳар қандай корхона ёки ташкилотнинг тақдирини ундаги одамлар, меҳнатчилар тутган ўрин белгилайди ва яратади. Мамлакатимизда юз бераётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар шароитида бу омил янада катта аҳамият касб этади. Меҳнат аҳлини эса ижодий ютуқларга эришишга даъват этиш маъмуриятга боғлиқ. Бирлашма бош директори, камтарин ва ғамхўр раҳбар Х. А. АКБАРОВнинг ўз жамоасидан кўнгли тўқ.

— Бозор иқтисодиётига ўтишни мустақиллик шароитида амалга ошираяпмиз, — дейди Хайрулла Асадович. — Бундай шароитда иқтисодиётга ҳукуматимизнинг, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг яқиндан туриб кўрсатаётган ёрдами туфайли бошқа жабҳалар, корхоналар қатори бизнинг бирлашмамиз ҳам депсиниб қолаётгани йўқ. Аксинча, барча имкониятлар ишга солинмоқда. Қийинчиликларни деб, бирорта ишчи ўрни қисқаргани йўқ. Шунга яраша бирорта ишчи ўрни ҳам бўш қолмади. Яқиндагина «Тошкент тўқимачилик комбинати» ип-газлама бирлашмасидан олинадиган матолардан истеъмол моллари тайёрлаш учун 120 та ишчи ўрнини жорий этдик.

Мақтовга йўймайсизлар-у, 9 ойлик топшириқ халқ истеъмоли моллари бўйича 112,7 фоизга бажарилди. Шу даврда корхона 1 миллиард 834768 минг сўмлик даромад олди. Бу режадагига нисбатан 400 миллион сўмга кўпдир. Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорлик борасидаги узилишларни республикамиздаги ички имкониятлар ҳисобига тўлдиряпмиз...

«Қизил тонг» бирлашмаси хорижий фирмалар билан алоқани ҳали мустақилликка эришгунимизга қадар йўлга қўйган эди. Хусусан, Франциянинг «Клекнер ИНА» фирмаси билан анча сахилар жиҳозланди. Хитой Халқ Республикаси, Германия, Франция, Италия сингари давлатлардаги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилмоқда. Президентимизнинг корхоналарни ишчи кучи бор жойларга олиб бориш ва у ерларда хориж сармоясининг жорий этилиши ҳақидаги кўрсатмаларига мувофиқ, Тошкент вилоятида янги филиал қуриш кўзда тутилмоқда. Бирлашма аҳлини, хусусан, Хайрулла Асадовични бир муаммо кўпроқ безовта қилади. У ҳам бўлса, яқин вақт ичида юзага келадиган рақобат масаласи. Ҳозирча қишки кийим — пальтолар тикишга ихтисослашган ягона корхона маҳсулотларига талаб бениҳоя катта. Бунинг устига асосий хом ашё МДҲдан келтирилади. Хўш, шу ихтисосдаги янги корхоналар очилса-чи?

«Қизил тонг»ликлар бунинг ҳам йўлини излашмоқда. Бу ерда ҳар 3—4 кунда буюмлар бичими ўзгартириб турилади. Йил давомида жами маҳсулотларнинг 70—80 фоизи андозаси тубдан янгиланади. Бу бозор иқтисодиёти, янгича ишлаш ва янги кун талаби ҳам. «Қизил тонг»нинг янги тонглари ўзгаришларга бой бўлиши шубҳасиз.

Тўйингиз муборак, «Қизил тонг»нинг чевар-у сардорлари.

Сувонқул РУСТАМ,
«Туркистон» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: бирлашма фаолиятидан лавҳалар.

К. ЎЛМАСОВ суратлари.

БЎЛҒУСИ ИҚТИСОДЧИЛАР

Қўқонда Ўзбекистон — Туркия ўғил болалар иқтисод лицейи ташкил этилди. Унга Фарғона вилояти туманларидан 125 нафар энг иқтидорли ўқувчи тест асосида танлаб олинди. Лицейда қулай ўқув хоналари, ётоқхона, ошхона, махсус спорт майдонлари бор. Талабаларга туркиялик ва ўзбекистонлик муаллимлар сабоқ бермоқда. Дарслар асосан инглиз тилида ўтилади.

УСТАНИНГ ҲАДЯСИ

Бувайда туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигининг Дадҳо қишлоғида яшовчи дурадгор — уста Муҳаммаджон ота Раҳимов чиройли ва ихчам отарава ясаб, уни жамоа хўжалиги боғдорчилик бригадасига ҳадя қилди. Хўжаликда етиштирилган сархил мевалар туман марказидаги болалар боғчаларига ана шу аравада ташиб келтириляпти.

ҚИШЛОҚ ОҚСОҚОЛИНИНГ ТЎЙИ

Ҳисор тоғи ёнбағрида жойлашган Хўжасоат қишлоғида яшовчи Абдусатторбобо Жанжалов ўзининг 95 йиллик тўйини нишонлади.

Бобо Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев билан бирга ишлаган. Ҳалол меҳнати, одамларга меҳру мурувввати билан катта обрў-эътибор топган.

Тўйига ташриф буюрган Сурхондарё вилоят ҳокими Ж. Норалиев Абдусатторбобони муборак ёши билан табриклаб, сарпо кийгизди ва нафақасини икки баравар кўпайтириш тўғрисидаги ҳокимлик қарорини ўқиб эшиттирди.

Ч. ТЎХТАЕВ.

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Навбаҳор туманининг «Гигант» давлат хўжалигида ҳар соатда уч минг дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди. Маҳсулот арзон ва сифатлилиги билан элга манзур бўляпти.

«БАҚТРИЯ» БЕКАТИ

Термиз шаҳри билан Жарқўрғон тумани оралиғидаги 164-темирйўл разъезди йўловчи ташийдиган ва юк поездлари тўхтаб ўтадиган бекатга айлантирилди.

Янги бекатга ота-боболаримиз салтанатидан нишона бўлсин дея «Бақтрия» номи берилди.

ЗАКИ ВАЛИДИ ТЎҒОН [1890—1970] — 1890 йилнинг 10 декабрида Старабаноқ уездининг Қозон овулида туғилган. 1908 йилда Қосимия мадрасасида ўқийди ва 1913—1914 йилларда Қозон университети профессори Катанов, Петербург фанлар академияси академиклари В. В. Бартольд, В. В. Радомлар томонидан Фарғона ва Бухорога юборилади. У бу ерда Ўрта Осиё халқларининг қадимий қўлёзма асарлари, тарихи билан бирга илғор маҳаллий зиёлилари, жумладан, Чўлпон билан танишади. Унинг уйида меҳмонда бўлади. Кейинчалик 1917 йилда Оренбургда ишлаганида Чўлпонни ҳам таклиф қилиб, Бошқирдистон, Туркистон ижтимоий инқилобий ишларида қатнашади. 1923 йилдан сўнг хорижга кетиб, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Париж, Берлин кутубхоналарида турли қўлёзмаларни ўрганади. 1925 йил Вена университетида докторлик ишини ёқлаб, аввал Германиянинг Бонн сўнгра Геттенген университетида ишлайди. 1927 йилдан то вафотига қадар Стамбул университетининг турк тарихи профессори сифатида «Турк тарихи дарслиги» [1927], «Чингизхон», «Темур ва унинг болалари», «Бугунги турк эли» [1939], «Хотиралар» [1960] каби асарлар яратган. Бу асарларнинг кўплари араб, француз, немис, инглиз тилларида ҳам нашр этилган.

Биз бугун атоқли олим қаламига мансуб «Хотиралар» деб номланган асардан айрим бобларни муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Заки Валиди ТЎҒОН

ХОТИРАЛАР

ЭРОН ХУРОСОНИДА ЕТТИ ҲАФТА

Эронга чиқиш. Хотиним Нафиса, ҳомиладор бўлиб, кўз ёриш вақти яқинлашгани учун мамлакатда қолди. 21 февралда Аннамурод номли бир кузатувчи туркман ҳамроҳлигида тўғри Эроннинг Машҳад шаҳрига олиб борадиган йўлга чиқдик. Бундан икки кун олдин Сенги Сулакка Аннамуроднинг бир дўстидан баъзи қоғозларимизни юборган эдик. Ашхабоддан чиққандан кейин 5 чақирим ергача одамлар кўзига чалинмайлик, деб Абдуқодир билан бирга яёв кетдик... Кечаси жуда совуқ, ой ёруғида кетиб боряпмиз. Аннов харобаларига етиб келдик, мачит деворларига ёзилган оятлар ва шеърларни ой шуъласида ҳам яхши ўқиш мумкин эди. Бир неча аср бурунги маданиятни ҳали ҳам ўз кўксида сақлаган бу Анновни ичдангина, ким билади, Туркистонни охирги марта кўришимдир, деб ўйлаб, ой ёғдусида айланиб қараб чиқдим. Ўша кечаси Кавдонли қишлоғида қолдик. Эртасига Генди Чашма қишлоғидан ўтиб, Эрон тупроғидаги Сенги Сулак, яъни Деликтошга келдик. Сенги Сулак атрофида тўлиғича турклар яшайди. Қурбон Муҳаммад деган бир одамнинг уйида меҳмон бўлиб қолдик. Муҳаммадободдаги ҳарбий раҳбарлардан буйруқ келгунча, чегара қўриқчилари бизни уч кун кутдирди. Ашхабоддан жўнатган қоғозларимни ҳам шу ерда олдим. Қурбон Муҳаммад билан Эрон чегара соқчилари бизга нисбатан катта меҳмондўстлик қилишди...

28 февралда Муҳаммадободга келдик. Халқи турк, форсчани савдогарларгина билишади. Бу ерда ҳарбий раҳбар Аббос Қулихон деган бир озарбайжон киши экан. Муҳаммадободга бир юз олтита қишлоқ қарайди, уларнинг ҳаммасида туркий халқ яшайди. Машҳаддан ижозат келгунича бу ерда тўққиз кун қолдик. Аббос Қулихон бизга талай тарих китобларини, Мирзо Мулким асарларининг тўла тўпламини, Такихон Сепеҳрзнинг «Насих ут-таворих» номли катта асарини берди. Ўзи ҳам мазкур асарларни ўқиб чиққанлигидан улар тўғрисида мен билан фикрлашиб, хайрлашди...

12 мартда Машҳадга келиб, Лагали саройига кирдик. Шу куннинг ўзидаёқ бу ердаги қадимги санъат намуналарини, имом Ризо ва Ҳорун Рашиднинг қабрларини, Гавҳаршод мачитини, Алишер Навойи тарафидан қурилса-да, кейинчалик гумбази зарҳалланган ва Нодиршоҳ томонидан истеъфода этилган, айни замонда бу шоҳнинг номи билан аталаётган мачитни кўриб, унга битилган ёзувлардан намуналар кўчириб олдик...

Машҳаддаги Совет консули Карим Ҳакимов татар эди. Ўзини ҳам, хотини Натижани ҳам Россияда бўлган вақтда орамизда кечган кураш туфайли жуда яхши танирдим. Ҳар икковидан ҳам ёмонликдан бошқа бирор нарса кутган эмасдим. Ҳакимов менинг Машҳадга келишимни билиши ҳамоно Лагали саройига бир одамни юбориб, кўришмоқчи эканини етказди. Учрашдик, Машҳаддаги кутубхоналардан фойдаланишимда ёрдам беражагини айтди. Бир-икки кундан кейин бу ерга Тошкентдан Саъдуллахўжа Турсунхўжаев номли бир ўзбек зиёлисининг келишини билдирди.

РИЗОХОН БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Эрон Ҳуросони ҳарбий раҳбари ёрдамида, шунингдек, чет эл ишлари ходимларига ҳам ўзимизни маълум қилиб, мамлакатнинг амалдаги идорачиси ҳарбий нозир Ризохонга 19 март куни иккита хат юбордим. Биринчисида, ким эканлигимизни, баъзи ниятларимизни ошкор этдик. Иккинчисини форс тилида рапорт тарзида ёзиб, коммунистларнинг босқинчилик таҳликаси остида қолган Афғонистонда, Эрон ва Туркия мутлақо бирга иш олиб бориши зарурлигини исботлашга уриндим. Биринчи хатда 1917 йилги инқилобдан сўнг Бошқирдистон ва Туркистондаги фаолиятимиз, коммунистларнинг рус бўлмаган шахс ва миллатларнинг мол ва ризқ-рўзларини тортиб олиб, ниҳоят, умумҳукумат ва партияларни ҳам озчиликка қолдириб, бошқа халқлар мустақилликларини имонсизларча маҳрум этишларига қарши курашганлигимиз, 1920 йилдан кейин миллий ташкилотларимиз яширин фаолият кўрсатаётгани ва босмачилик ҳаракатига қўшилиши тўғрисида ёздим. Мақсадимиз — Машҳаддан Кобулга, сўнг шарқий Бухорода Ҳожи Сомибек раҳбарлигида Советларга қарши курашувчи босмачилар олдига бориш, Кобулга қайтиб, ундан Европага кетиш, бир йилдан кейин яна Шарққа қайтишдир, — деб тушунтирдим. Мен бир тарихчи бўлиб,

1

Туркистон тарихига бағишланган туркийча ва русча асарлар нашр этишимни, дўстим Абдулқодир Йилқибойнинг (кейинчалик Инон) ҳам бир муҳаррир эканлигини, сиёсий фаолият билан бирга илмий тадқиқотларимизни ҳам давом эттиришимизни тушунтириб, имом Ризо кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сўрадим. Рапорт тарзида ёзилган иккинчи хатга «Ислом давлати Эроннинг ҳукумат ҳузурида» деб сарлавҳа қўйдим. Унда Туркистон ва Волга-Ўролдаги мусулмонларнинг 1917—1922 йилларда давом қилган кураш воқеалари статистик маълумотлар асосида рақамланди. Подшо замонида Туркистоннинг беш вилоятида 8084700 киши яшагани, 1922 йилда 5029512 киши қолганини, молу мулкларнинг камайиб кетганини тушунтирдим. Большевикларнинг Эрон ҳақидаги қарашларини изоҳлаб, профессор Крижижановскийнинг «Ғарбий Эрондан бошлаб, Россияга оққан бутун дарёлар системасини эртамикечми Россия ўз қўлига олиши керак», деган тавсиясини, шунингдек, Тошкентдаги партия йиғилишларида, Совет ҳокимиятининг ташқи чегаралари Қобулга ва Форс қўлтиғига қадар етказилмагунча, Россия мусулмонлари масаласини тўлиғича ҳал қилиб бўлмаяжак, деб сўйлаганларини эслатдим. Эрон, Туркия ва Афғонистон Россия мусулмонларининг ишлари билан ўз хусусий масалалари каби қизиқишлари кераклигини, агар шундай бўлса, Ғарб давлатлари ҳам Россия мусулмонлари масалаларига аҳамият беражакларини тушунтирдим. Россия Шарқидаги мусулмон қавмларининг миллий ва демократик уюшмалари 1921 йилнинг августида бир муддат Туркистон Миллий Бирлиги уюшмасига бирлашишини, унинг 1921 йилги яширин конгрессида бир овоздан мен раис этиб сайланганлигимни, икковимиз ҳам бугунги кунда ўша жамият вакиллари сифатида иш қилишимизни, Эрон ҳукумати Боқудаги сингари, Тошкентда ҳам ўз элчихонасини очиши зарурлигини қайд қилиб ўтдим. Туркистон Миллий Жамияти Эрон, Афғонистон ва Туркияга Россия мусулмонларининг аҳволи ҳақида материаллар юборишини, бу уч ислом давлатидан ҳарбий қўзғалиш вақтида моддий ёрдам кутмаса ҳам, руҳий тилакдошлик ва эътибор беришини илтимос қилаётганини, Россия мусулмонлари орасида бундан сўнг ҳаргиз бир миллий мактабни яшатиб бўлмаслигини, шунга кўра Машҳадда туркистонликлар учун туркий ҳам форсий тилларда бир бошланғич ва бир қишлоқ хўжалиги мактаби ташкил қилиш жуда зарур эканини бирин-кетин баён этдим. Шунингдек, Советларнинг суннийлар билан шиалар орасида катта низо келтириб чиқаришини тушунтирдим ва Туркистондаги шиалардан Бухородаги Мирбобо, Самарқанддаги «Шуълаи инқилоб» газетасининг ноширн Саидали Ризо, Жиззахдаги Абдулжабборнинг Советлар фойдасига фаолият кўрсатишларини маълум қилиб, «уларни турли йўллар билан инсофга чақирсангиз жоиз бўлар, чунки, улар сизларга ҳурмат билан қарашади», дедим.

Мазкур рапортда Туркия, Эрон ва Афғонистон орасида радио алоқалари ўрнатишнинг ниҳоятда зарурлиги, мамлакатидан ажралган Туркистон мужоҳидларининг бир қисми Эрон ва Афғонистоннинг Ғарбида савдо иши билан шуғулланмоқчи эканини бу ишдан Эроннинг ўзига ҳам фойда бўлажагини қайд этдим.

Туркия элчисининг Машҳадга келиши. 17 март кечаси Мустафо Камол пошо томонидан тузилган янги ҳукумат элчихонаси аъзолари Сомийбек, Таҳсин ва Фарудинбекларнинг Анқарадан келажаклари хабарини эшитдик. Саҳрои Кабир номли саёҳатчи сифатида танилган Сомийбек Анвар пошо яқинларидан бири. Менинг Машҳадда эканлигимни эшитгандан сўнг у озарбайжонлик Ҳожи Козим Ризаевнинг уйига келишимни айтиб, хабар юборибди.

Кечқурун соат 6 дан то соат иккигача саккиз соат давомида Сомийбек ва унинг дўстлари билан гаплашдик. Сомийбекнинг маслаҳатига кўра ўша куни Юсуф Акчўра, Зиё Кўк Алп, Оға ўғли Аҳмад ва Кўпрули Фуат бекларга Туркистон аҳволини баён этдим, Ғози Мустафо Камол пошога ҳам эҳтиромимни билдиришларини сўраб, қисқақисқа хатлар ёздим, эртаси эрталаб, Теҳронга курьер кетиши керак эди...

Таҳсинбек Машҳадга келмасдан аввал Москвада Туркия элчихонасида саркотиб бўлиб ишлаган ва мени сиртдан яхши билар эди. Кейинчалик Ота Туркнинг тарбиялаб олган қизи Собиҳага уйланиб, унинг яқинлари қаторига қўшилди.

16 июнь сешанба куни элчихона жойлашган бинога Туркия байроғини осиш маросими бўлди. Байроқни Таҳсинбек билан икковлашиб бино пештоқига ўрнатдик. Бу менинг ҳаётимдаги унутилмас воқеа эди.

Саъдуллахўжа. Саъдуллахўжа Турсунхўжаев билан ойнинг йигирмасида учрашдик. Ҳакимов бу учрашувни ўз элчихонасида ўтказишни таъйинлаган бўлса-да, Саъдуллахўжа билан Ризаевнинг уйида, Туркия элчихонасида кўришишга қарор қилдим. Ризаев ҳам бунга рози бўлди. Саъдуллахўжа ўз оиласини пайғамбар авлодидан чиққан деб санайдиган, бойларнинг бири, Москвада ҳам савдо уйлари бор эди. Сиёсий манфаатлари туфайли коммунистлар партиясига кирди, бу партиянинг беш вақт намозини канда этмаган бир мусулмон аъзоси эди, рус тилини билиши туфайли руслар билан бурундан алоқа ўрнатди, Туркистон Совет ҳукуматининг ҳам бир обрўли аъзоси эди. Бу сафарга уни Совет ҳукумати Эрондан Туркистонга оқувчи дарёлардан фойдаланиш ишларини тартибга солиш масалалари тўғрисида гаплашиш учун жўнатибди, деган гап чиқди. Лекин, Саъдуллахўжанинг ўз айтишига қараганда, менинг Машҳадга келишим тўғрисида Ҳакимовдан телеграмма бориши ҳамоно уни мен билан учрашиш учун юборганлар, сув тўғрисидаги баҳсли масалалар бўйича ҳеч бир мутахассис Саъдуллахўжа билан бирга келмаган, унинг ўзига бундай музокаралар олиб бориши учун биророрта ҳам ҳужжат берилмаган. Туркистон ҳукумати бошида турган Рудзутак билан Турор Рисқуловдан бир муддат саёҳат қилганимдан сўнг, яна қайтиб келишим тавсия этилган хатлар олиб келди. Мен демократия дунёсида қолажагимни, Совет юртига қайтмаяжагимни, бу ҳақда 19 февралда Ленин ва Рудзутакка Ашхабоддан юборган хатларимда очиқ билдирганимни сўйлаб бердим. Машҳадда икки ҳафта бўлдим. Сўнгги марта унинг истагига кўра, 7 июнда яна Туркия элчихонасида учрашдик. Саъдуллахўжа менга: «Ҳали ҳам босмачилик ҳаракати давом этмоқда. Ҳожи Сомий ва бошқалар фаолиятларини тўхтатган эмас. Совет ҳукумати сени Афғонистонга келиб, бу ердан босмачилик ҳаракатларини тартибга солишга ҳаракат қилади, деб ўйлайди. Иккинчидан, улар Машҳадда Туркия элчихонасининг очилишидан ҳам хабардор. Элчихона очилиши арафасида сенинг Россиядан бу ерга келишинг Совет фаолларида шубҳа уйғотди. Улар Туркистонда бўлган чоғларингдаёқ Туркия билан қаттиқ алоқада бўлиб, ҳозир Машҳад ва Мозори Шарифда элчихоналар очилишига таъсир кўрсатган деб ўйлашади. Анқара, Машҳад, Мозори Шариф ораларида радио алоқа ўрнатиш тўғрисидаги тавсияларингни ҳам билишади. Биз, Жамият аъзолари (у Туркистон миллий жамияти билан алоқа қиларди) сенга айрим истаклар айтамиз. Сенинг соғлигингни, мамлакат учун чет элларда фойдали ишлар олиб боришингни, четда бўлган тақдирда ҳам Советлар билан муносабатинг узилмаслигини тилаймиз, ўлим хавфи остига тушиб қолмасанг эди, деб қўрқамиз», деди-да, Ҳакимов билан учрашишни тавсия қилди. Ашхабоддан Ленинга юборган хатнинг бир нусхасини унга ҳам бердим.

2

Туркияга юборилган мактублар. 15 апрелда Туркияга чет эл ишлари ваколати учун ёзилган рапортим элчи Сомийбек маслаҳати таъсири остида лозим даражада тафсилий бўлди. Бу ёзувнинг бир нусхасини Юсуф Акчўра, Рауф (Ўрбой), Оға ўғли Аҳмад ва Исмоил Сўфи бекларга юбордим. Бу узун хатга Анвар пошонинг Туркистондаги фаолияти тўғрисида ва юқорида эслатиб ўтилган «Шарқда ижтимоий инқилоб» номли рапортимнинг нусхасидан ҳам қўшдим. Эрон ҳукуматига ёзилгани сингари бу хатда ҳам Россия мусулмонлари кураши билан Туркия, Эрон, Афғонистон эллари бир хил даражада қизиқадиган масала бўлиши кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Уч давлатнинг коммунистларга қарши қаратилган сиёсати якдил бўлиши зарурлигини англатганимдан сўнг, Анвар пошонинг Ўрта Осиё турклари учун ҳаётини қурбон қилиши Туркия ва турклик тарихида муҳим воқеа бўлганини ифода этдим.

Машҳадда, Қобулда бўлган вақтимизда ўша хатдан бир неча нусха кўчириб, тили Ўрта Осиё туркчаси бўлишига қарамасдан, Эрон, Афғонистон Туркия ҳукуматларига ва шунингдек социалист бўлмаган либерал зиёлиларнинг бир қанчаларига юбордик. Шу ҳисобдан Истамбулдаги озарбайжонлик Амин Расулзодага, Берлиндаги ёш бухороликлар вакили Мирзо Абдулвоҳидга, қозоқлардан Азимбекка, татарлардан Фуат Тўқтаровга, Парижга — Исломбек Худоёрхонов, Алимардон Тўпчибошев, Мустафо Чўқаевга, Лаҳордаги шоир Муҳаммад Иқболга, Теҳрондаги Саид Ҳасан Тоқизодага жўнатдик. Амин Расулзода бу хатни Истамбулга келгач, нашр қила бошлаган «Янги Кавказия» журналида қискартиб босиб чиқарди, лекин инглизчага ёки русчага таржима қилиб бостирилмаганидан, катта аҳамият касб этмади. Аммо Туркияда таъсири кучли бўлди.

Машҳадда Равдони, Гавҳаршод ва Алишер Навойи тарафидан қурилиб, кейинчалик Нодиршоҳ номини олган мачитларни нодир ёдгорликлар сифатида, ўша вақтдаги англашим даражасида ўрганиб, ёзувларидан кўчирмалар олдим. Бу маълумотларни Туркияга келганимдан кейин «Ислом энциклопедияси»да ва бошқа нашрларда чиққан мақолаларимда бостирдим.

АФҒОНИСТОНДА БЕШ ОЙ

Ҳиротда Темур авлодларидан қолган ёдгорликлар. Қобул ҳукуматининг хорижий ишлари бўлими ходими бизни Чорбоғ деган бир жойда меҳмон қилди. Сафарларингизга ҳеч қандай монелигимиз йўқ. Лекин, турк тарихидаги буюк бир даврнинг маркази бўлган мазкур шаҳарда сақланган асарларни кўриш мақсадида беш ҳафта бу ерда қолдик. Баъзан волийнинг ўзи, бошқа вақтларда эса шу ерлик олим Салоҳиддин Салжуқий бизга шаҳар ва унинг теварак-атрофларини жиддий ўрганишга ёрдам кўрсатди. Мен ҳар куни деворлар билан ўраб олинган қадимги Ҳирот четидаги Темур авлодлари даврида қурилган ёдгорликларни кўриб чиқдим. Шу даврдаги Ҳиротнинг харитасини олдим. Бу ерда ёдгорликларга эътиборсиз қаралар экан, ҳатто XV асрнинг иккинчи ярмида маданий ҳаётнинг бошида турган ва мазкур шаҳарда «хайрия жамияти» ривожида ғоят катта ўрин тутган буюк турк шоири Алишер Навойи мозорининг ўрнини биладиган бирор кимса йўқ эди. Лекин Алишер ўзининг «Вақфия» номли асарида бурунги замонда ўрни маълум бўлган мадраса ва мачит билан хайрия жамияти ораси неча аршин келишини очиқ айтган. Бошқа манбаларда Алишернинг бинолар ўрталиғидаги бир қабрда дафн қилингани айтилган экан. Жойлашган ўрнини излаш мен учун оғир бўлмади. Турли томондан ўлчагандан сўнг белгиланган нуқтада бир қабртошга дуч келинди. Шу атрофдаги боғчага қаровчи кишининг айтишича, бу тош кейинчалик бошқа жойдан олиб келинган ва бу ер ҳали ҳам ҳиротликлар томонидан «Шоҳи ғарибон» деб аталар экан. Бу ерда қадимдан шам ёқиш одати ҳам бўлган, тошларини кейинчалик олиб кетишганлар. Шундай қилиб, Алишер Навойининг Ҳиротда «ғариблар подшоҳи» деб танилганини билдим ва қабрини ҳам топдим. Темур авлодининг пойтахти бўлган ва шаҳарнинг кунботар томонидаги Газиргоҳ деган жойдаги мозорларни, Алишер Навойи Абул Валид номли қишлоқда қурдирган биноларни бир неча бор бориб кўрдим, баъзи бир тошлардаги ёзувлардан кўчирмалар олдим. Бу ерда беш ҳафта ичида олиб борган археологик текширувларнинг натижаларини, шаҳар харитасини кейинчалик Истамбулда нашр этилган «Ислом энциклопедиясида» «Ҳирот» деган мақоламда қайд қилдим.

ҲИНДИСТОН — ТУРКИЯ

1923 йилнинг 24 сентябрида душанба куни Қобулда автомобилга тушиб, Ҳиндистон йўлига чиқдик. Бизни кўз ёшлари билан йиғлаб кузатган одам — отбоқаримиз Абдулҳолик Кўнисбой эди. Автомобил билан Жалолобод орқали машҳур Ҳайбар довонига етиб келдик. Божхона хизматчилари юкларимизни Россия большевикларига ўхшаб текширармиканлар, деб ўйлаб келаётган эдик. Махфий деб ўйлаган қоғозларни Фахри пошога: «Сиз олиб борарсиз», деб унга қолдирган эдим. Шундан кейин 20 йил ўтгач, уруш давомида[1]. Берлиннинг Адлон меҳмонхонасида мусофир бўлган вақтимда нацистлар ўзим бўлмаганда юкларимни, хатларимни текшириб чиқишларини сезиб, ҳамма қоғозларимни Берлиндаги элчимиз Саффат Арикин бекка тайинлаб: «Буларни Истамбулга сен олиб бор», деб қолдирган эдим. Ҳар иккала элчимиз ҳам уларни нест-нобуд қилмай олиб келди ва амалда ҳозир, ушбу хотираларни Фахри пошо олиб келган ўша хатларга суяниб ёзаяпман. Қисқаси, 25 сентябрдан то ноябргача, беш ҳафта давомида Абдулқодир билан Ҳиндистонда қолдик. Ҳиндистон икки мустақил давлатга айлангандан кейин мен Покистонда уч маротаба, Ҳиндистонда 1964 йилда бир марта бўлдим. Бир ой давомида Неру ва Ҳиндистон ҳукуматининг меҳмони сифатида бу мамлакатнинг маданий марказларини кўрдим. Ҳар иккала мамлакатнинг миллий ва сиёсий фаоллари билан самимий суҳбатлар курдим. Кутубхоналарда сақланаётган нодир китоблардан фойдаланиб, туркий маданият тарихи учун муҳим манбаларни ўргандим. Лекин, 1923 йилда биз саёҳат қилган Ҳиндистон тамомила бошқача эди. Бу ерда ўша вақтда ҳукмронлик қилган инглиз ҳукумати бизни жуда бир чегараланган шартлар билан саёҳат қилдирди. Афғон ва ҳинд ўртоқларимиз бизга Қобулда берган манзиллар бўйича юриш имкониятини беришмади. Шундай бўлсада, Ҳайбар довонига келгандан сўнг божхона хизматчиси, юкларимизга ишора қилиб: «Буларда нималар бор?» деб сўради. «Кийим, китоб, қоғозлар», дедик. «Бошқа кўрсатадиган нарсалар борми?». «Бир револьвер бор, кўрсатайликми?» дедик. «Йўқ, икки юкли револьвер олиб келсангиз, қарардик», деди. «Марҳамат, йўлда давом этаверинглар», дейишди. Ҳиндистон мустамлака бўлса-да, Россия ҳукмронлиги остидаги Туркистондан тамомила фарқ қиларди. Пешоварда номи «Д» ҳарфи билан бошланган катта меҳмонхонада тўхтадик. Мен ҳеч қачон Ҳиндистонга келаман, деб ҳаёлга келтирмаган эдим, бу ерга келиш ҳам насиб қилди. Эртасига бизни (волий) чақиртирди. «Сизнинг Ҳиндистонга саёҳатингиз хусусида Симлидан хабар кутаяпмиз.

3

---

[1] **1. 1941 — 1945 йиллардаги СССР ва Германия ўртасидаги иккинчи жаҳон уруши кўзда тутилмоқда [тарж].**

[Давоми бор].

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Англиянинг «Таймс» газетаси Геллап тадқиқотлар институтининг жамоатчилик фикри сўрови натижаларини эълон қилди. Маълум бўлишича, амриқоликларнинг 43 фоизи АҚШ ҳарбий кучлари Сомалини тарк этиши керак, деб ҳисоблайди. 26 фоиз аҳоли эса ҳарбийларнинг босқичма-босқич олиб чиқиб кетилиши тарафдори. Сўралганларнинг фақат 18 фоизигина ушбу Африка мамлакатида ҳарбий кучларнинг кўпайтирилишини маъқулламоқда.

УРУШ ҚУРБОНЛАРИ

Москва шаҳар ҳокимлиги матбуот марказининг маълумотларига қараганда, Давлат тўнтаришига уриниш чоғида 108 киши ҳалок бўлган. Фуқаролардан 553 киши тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган, улардан 437 нафари касалхонага ётқизилган. Жабрдийдалардан 50 кишига эса амбулатория хизмати кўрсатилган. 79 киши яралангани туфайли вафот этди.

ТАЙГАДА ТОПИЛГАН САМОЛЁТ

Россия учувчилари Уссурия тайгасида иккинчи жаҳон уруши давридаги ДБ—3 Совет бомбардимончи самолётини топишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, самолётни тезда учадиган ҳолга келтириш мумкин. У Япония билан бўлган урушда иштирок этган. Ушбу турдаги самолётлар 1945 йилда Берлинни бомбардимон қилган эди.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● АМРИҚО Қўшма Штатлари ва айрим Ғарб давлатларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Греция ва Туркия қуролланишга зўр бермоқда. Бу икки давлатнинг узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган рақобати охир-оқибат Болқон можаросини келтириб чиқармаса эди, дея хавотир билдиради Франция ахборот маҳкамаси.

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Сомалидаги махсус вакили адмирал Жонатан Хуа генерал Айдидни жазолаш қарори ўзгарганини айтди. Бироқ уни қамаш ҳақидаги ҳукм ўз кучида қолади. Сомали миллий иттифоқи гуруҳининг раҳбари генерал Айдид Могадишога тинчликни таъминлаш учун юборилган аскарлардан 50 нафарини ўлдирганликда айбланмоқда. Генерал ҳали қўлга олингани йўқ.

● ФАЛАСТИН Озодлик Ташкилоти (ФОТ) раҳбарияти аъзоларининг беш кунлик махфий маслаҳатлашув мажлиси ниҳоясига етди. Аммо, улар Иерихон ва Ғазо секторини бошқариш учун қандай ҳукумат тузиш ҳақида якдил бир фикрга кела олмадилар. ФОТ йўлбошчиси Ясир Арафот келгусида Фаластин давлатига асос бўлиб қолажак вақтли ҳукумат тузишни талаб қилмоқда. ФОТ раҳбарияти баъзи аъзоларининг фикрига кўра эса, бундай ҳукумат Исроил томонидан тақиқлаб қўйилиши мумкин. Шундай экан, бу йўналишда шошилмай ҳаракат қилган маъқул.

● ХИТОЙ Ғарб давлатларининг кучли тазйиқига қарамасдан ядро синовларини ўтказди. ХХРнинг бу хатти-ҳаракати ядро синовларини ўтказмаслик ҳақидаги шартномаларга хилофдир. Уни имзолаган бошқа давлатлар эндиликда хавафсираб қолдилар. Хитойнинг бу ўзбошимчалиги Пекин ва Вашингтон ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келмоқда.

ТЕРРОРЧИЛАР СЎРОҚ ҚИЛИНМОҚДА

Машинадаги номаълум ёш йигит кечаси Токио полицияси кўз ўнгида Бош вазир Морихиро Хосокава қароргоҳи девори яқинига келиб ичкарига иккита ёниб турган портловчи моддани иткитди. Бу вақтда Бош вазир қароргоҳда йўқ эди.

Полиция террорчини дарҳол қўлга олди. У 25 ёшлик Синъити Соганэ бўлиб, ўта ўнглар гуруҳига мансуб экан. Яқинда бу ташкилот аъзолари Борис Ельциннинг Японияга расмий ташрифига норозилик белгиси сифатида Россиянинг Токиодаги элчихонасига нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширган эди. Бу ҳодисадан кейин Япония раҳбарияти Россия Президентининг сафари чоғида унинг хавфсизлигини таъминлаш учун 10 минг нафар полициячи ва махсус хизмат вакиллари ажратилганини эълон қилди. Ҳозир Россия элчихонасини полициянинг кучайтирилган гуруҳи қўриқлаб турибди. Террорчилик ҳаракатлари айбдорлари сўроқ қилинмоқда.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

НАЙРОБИ. Халқаро одил суддан яшириниб юрган Сомалидаги йирик ҳарбий-сиёсий гуруҳнинг йўлбошчиси генерал Муҳаммад Фарах Айдид Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ўз мамлакатини мустамлака сиртмоғига солишга уринишда айблади, юртдошларини ватанни ҳимоя этиш учун «имкони бўлган барча ишни қилишга» чақирди. БМТнинг Сомалига инсонпарварлик ҳаракати бошланган 1992 йил декабридан буён содир бўлган жуда аянчли воқеа — Могадишода рўй берган қуролли тўқнашувдан кейин, сешанба куни Сомали миллий алянси йўлбошчиси радиода нутқ сўзлади. Бу июнь ойидан буён яширин фаолият олиб бораётган генералнинг иккинчи чиқишидир.

ДЕҲЛИ. Армия демократик жараённинг кафолати бўла оладими? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Нима бўлганда ҳам Покистонда худди ана шундай йўл ҳаётга тадбиқ этилаётир. Йирик сиёсий партиялар йўлбошчиларининг илтимосига биноан шу кунларда қарийб 34 минг сайлов участкаларида 150 минг аскар ва офицер ҳозир бўлган. Чунки 6 октябрь куни миллий ассамблеяга — парламент қуйи палатасига сайлов ўтказилди.

Сайлов қутилари олдига келиши керак бўлган 82 миллион покистонликнинг овоз бериши ҳам осон эмас. Негаки қуйи палатадаги 217 ўринга қарийб бир ярим минг киши даъвогарлик қилмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МАЛИКА — ШИФОКОР

● ЯНА бир неча йилдан кейин Осло шаҳридаги касалхона ёки поликлиникалардан бирида «бу ерда мижозларни мамлакат маликаси қабул қилади» деган ёзув пайдо бўлса, ҳеч ажаб эмас. Гап шундаки, Норвегия қироли Харальд V ва қиролича Соньянинг 21 ёшли қизи малика Марта—Луиза ўз ҳаёт йўлини танлади: у жамиятга хизмат қилишга — врач-терапевт бўлишга қарор қилди.

Лекин бу — подшоҳнинг амри вожиб, дегани эмас. Малика тиббиёт институтига ҳеч бир имтиёзсиз, ўз кучи билан кирди. Ваҳоланки, 100 ўрин учун 5200 абитуриент ўзаро баҳслашган эди.

ГУБЕРНАТОР БУЙРУҚ БЕРДИ, АММО...

● НИЖЕГОРОД вилояти губернатори қарори билан 1 октябрдан бошлаб эротик нашрлар вилоят ҳудудида ўралган ҳолда ва бунинг учун ажратилган махсус биноларда сотиладиган бўлди. Ялтироқ қопчага солиб сотиладиган нашрлар рўйхатида «Андрей», «Гармония», «Он — Она», «Пентхауз» журналлари, «Мистер Икс», «Ешё» ва яна бир қанча нашрлар бор. Бу рўйхатга кирмаган нашрларни сотган кишилар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Аммо, афсуски, бу нашрлар Нижегородда чоп этилмайди ва шунинг учун бу ерга... яланғоч ҳолда келтирилади. Шундай бўлсада, губернаторнинг бу ташаббусини бошқа жойларда ҳам жорий этилса, ёмон бўлмас экан.

ХУШОМАДГЎЙЛИК ЁҚМАДИ

● ФИНЛЯНДИЯ президенти Фидел Рамосга ўзининг қиёфаси туширилган кўкракнишонлар ва ҳар хил буюмлар бутун Манилани босиб кетгани ёқмади. Ва у ўрнак олишга арзигулик камтаринлик намойиш этиб, мамлакат раҳбарининг сурати туширилган нарсаларни, хусусан ҳар бири икки минг песо (71,4 доллар)дан сотилаётган қўл соатларини сотиб олмасликни қаттиқ илтимос қилди.

Синьхуан агентлиги мухбирининг Маниладан хабар беришича, ҳукумат раҳбарига хушомадгўйлик қилиб шу йўл билан бойлик орттирмоқчи бўлган ишбилармонларга нисбатан чора кўриш учун буйруқ берилган.



Истамбул бозори.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ сурати (ЎзА).

БУ БИЗНИНГ МИЛИЦИЯ

Бир ҳақиқат, яқин-яқингача мана шу сўзни ишлатгандан ҳам кир қидиришарди. Энди бемалол айтяпмиз. Чунки яқин тарихимизда Қизил милиция, шўро милицияси деган сўзлар такрорланган, мана шундай сўзларнигина айта олардик. Мустақил давлатнинг—Ўзбекистоннинг ўз милицияси ҳақида ҳам сўз юритиш пайти келди. У энди қандай бўлиши керак?

Дастлаб бир воқеа. Бундан беш-олти йил аввал област ижроия қўмитасининг биносида жойлашган ошхонадан овқатланардик. Ўша ерда овқатга навбатда турганимизда бир сержант йигит келиб, навбатсиз ош олди. Биз билан бирга турган кексароқ киши «Ўғлим, сенга форма бериб, қаерда бўлса навбатсиз, одамларни ҳурмат қилмасдан овқатланиб кетавер, деб рухсат берганми? Ишдаман, илтимос, рухсат берасизларми, десанг, биз сени қўйиб юборамиз. Сенга ўхшаган бир иккитанинг касофатига бошқа милициялар ҳам қолади»,— деб қаттиқ гапларни айтди. Навбатда турганлар эса ҳаммаси бу кишини маъқуллади. Бирники мингга деган сўзни кўп эшитганман. Бу мақолани ёзиш баҳонасида форма кийган милиция ходимларининг нафсониятига тегиш ёки бўлмаса уларни заррача хафа қилиш ниятим йўқ. Ҳар бир соҳанинг фидойилари, ажойиб кишилари бўлиши билан бирга курмаклари ҳам етарли. Бугун Мустақил Ўзбекистон деяётган эканмиз, ўз ватанимиз билан фахрланиш туйғуси ҳақида гапираётган эканмиз, иложи борича ўша курмаклардан ҳам тозаланиш ҳақида ўйлашимиз зарур. Эл-юрт осойишталиги йўлида меҳнат қилаётган, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб хизмат бурчини бажараётган минглаб милиция ходимларимиз бор. Буларнинг меҳнатлари ҳақида ёзилди, ёзиляпти, ҳали ёзилади. Тошкентнинг шундай ёнида Уч қаҳрамон, деган милиция пости бор. Яна бир чегарасида эса Майск қишлоғида эл-юрт бойлигини бошқаларга равона қилмоқчи бўлган газандалар билан олишувда ҳаётдан бевақт кўз юмган уч фарзанди, севикли ёри, ота-онасини бўзлатиб кетган Саидакбар деган йигитнинг ҳайкали турибди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлади. Ўша байрам кунлари осойишта, тинч ўтиши учун минглаб милиция ходимлари на вақт, на бошқа нарса билан ҳисоблашмай, қуёшнинг иссиғига қарамасдан хизмат вазифасини бажардилар. Уларга осон тутиш ноинсофлик бўлса керак.

Ҳар куни кўчада давлат автомобиль назорати инспектори билан қоидабузар ўртасидаги олишувларга ҳам кўзимиз тушади, бу манзарани одамлар ҳам кузатади. Тўғри, машина миниб, нима ишни қилсам тўғри деган отасининг эркатойлари ҳам бор. Бизнинг назаримизда мана шундай пайтда ҳам милиция ходимидан юксак маданият талаб қилинади. Энди биз ким бўлмайлик, қаерда ишламайлик, Ўзбекистон деб аталмиш мамлакатнинг фарзандларимиз. Мана шу мамлакат фаҳри, шу мамлакат ҳақида айтилган ҳар бир яхши гап бизники, ҳар бир ёмон гап эса шоҳига урса танаси зириллайди, дегандай ўзимизга тегиши керак. Хориждан келган бирор-бир меҳмон ҳам ўз юртига борганда ўзбек халқи ҳақида гап очиб қолса, бу шундай халқ эканки, қария отахонидан тортиб, ёш йигитию, ҳатто милиция ходимининг ҳам юксак муомаласидан, бир-бирига бўлган ҳурматидан ўрнак олса арзийди, деб фахрланиб гапирсин. Яна бир нарса, инсон ҳаётда доим тарбияга муҳтож бўлади. Кексайганда машина бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб рулга ўтирган бир киши яқинда бир гапни гапириб қолди, юлдузи бор ГАИдан чўчимайману, анави погонида юлдузи йўқлари сал хавфлироқ-да, баъзан оддий гапни ҳам тушунмайди, деган сўзларни гапирди. Мен, отахон хафа бўлманг, уларнинг кўпи ўқимаган, махсус мактабни битирмаган бўлишади, деб кўнглини кўтаргандай бўлдим. Бу ерда ҳам озгина ҳақиқат бор. 10 ёки 8-синфни амал-тақал қилиб битириб, ҳарбий хизматга бориб келганидан сўнг милиция ходими бўлиб ишлаётган ёшлар ҳам бор. Уларнинг орасида ҳам айримлари... Хуллас, бу йигитчалар орасида ҳам каттагина ишлар олиб боришга тўғри келади. Ҳар биримиз бу ўзбекнинг милицияси деб фахрланайлик, ҳатто қоидабузар ҳам ўз хатосини тан олиб, оддий милиция ходимининг муомаласидан, маданиятидан кўнгли тўлсин. Ахир келажаги буюк давлатнинг одамлари ҳам ҳар томонлама камолатга эришган бўлмоғи лозим-ку. Биз бугунни эмас, эртани ўйлаб яшаяпмиз. Шунинг учун ҳам сал аччиқроқ бўлса-да, дилимдаги шу гапларни қоғозга кўчирмоқни Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатидаги бурчим, деб билдим.

А. АБДУВАЛИЕВ,
журналист.
Тошкент шаҳри.

Йўл транспортидаги бахтсиз ҳодисаларни камайтиришда автомобилларнинг техник созлиги муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина ҳайдовчилар ўзлари бошқараётган транспорт бирон «ҳунар» кўрсатмагунча йўлда давом этаверади. Баъзан бундай лоқайдлик кутилмаган фожеаларга олиб келади. Айрим ҳолларда тормоз ишламай қолса, баъзан мотор «иш» кўрсатади. Ана шунда техник носозликларнинг олдини олиш мақсадида ДАН ходимлари йўлларда баъзи автомобилларнинг техник ҳолатини текшириб кўрадилар. Бу ҳол баъзи ҳайдовчиларга ёқмасада, аммо катта фалокатларнинг олди олинади.

Ўзинг бошқараётган машинанинг техник жиҳатдан соз бўлганига нима етсин

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ДАН ходимлари милиция старшинаси Улуғбек Жамолиддинов катта сержант Неъматулла Содиқов билан йўловчи машинанинг техник ҳолатини текширяпти.

М. АМИН сурати.

Ҳаёт ва қонун

Республика прокуратураси хабар қилади

ОМАДИ ЧОПМАДИ

Яқинда Самарқанд вилоятининг Сўғдиёна масканидаги кўлдан соат 09 ларда 1951 йилда туғилган, ишламайдиган, турар жойининг тайини йўқ, муқаддам судланган Сергеев Виктор Николаевичнинг жароҳатланган, оёқ-қўллари тош ва темир билан қўшиб боғланган мурдаси топилган.

Темир йўл туман прокуратураси томонидан ушбу ҳолат юзасидан Ўз. Р. ЖКнинг 81-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилганда, ушбу жиноятни марҳумнинг ўртоғи, у билан бирга мардикорлик қилиб юрган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1962 йилда туғилган Романенко Владислав Дмитрович содир қилганлиги аниқланган. Улар шу йилнинг 9 сентябрида Сўғдиёна кўчасининг 45-уйдаги 31-хонадонида яшовчи Корнеева Татьянанинг уйида бўлишиб, тўйиб спиртли ичимликлар истеъмол қилиш оқибатида жанжаллашиб қолишган. Романенко Сергеевнинг сонига пичоқ санчиган, натижада артерия қон томири кесилиб, қон тўхтамаслиги оқибатида Сергеев ўлган. Жиноятни яшириш мақсадида Романенко Корнеева билан келишиб, мурдага тош ва темир боғлаб кўлга чўктириб юборишган.

Ҳозирда жиноят содир қилган шахслар ушланиб тергов олдида жавоб бермоқдалар.

ПИЧОҚ САНЧДИ

Жамиятимизда учраб турган ва юз бераётган кўнгилсиз ҳодисаларга гувоҳ бўлиб беихтиёр шу хулосага келади, киши. Андижон вилояти Пахтаобод тумани Маданият қишлоғининг бозорида 9-сентябрь куни соат 07-00ларда 1924 йилда туғилган, нафақахўр, шу қишлоқда яшовчи Мирзажонов Усмонжон ўзаро жанжал устида ёнидаги «пичоғи» билан 1963 йилда туғилган Сирожиддин Қирғизовни кўкрак қисмига уриб воқеа жойида ўлдиради. Унинг акаси 1956 йилда туғилган Қирғизов Лутфуллани эса қорнига уриб, оғир тан жароҳати етказиб касалхонада ётишга мажбур қилди. Замон зўрники бўлмаганлиги учун У. Мирзажонов туман прокуратураси томонидан ушланиб, Ўз.Р.ЖКнинг 80-моддаси 4-банди билан қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов бормоқда.

БЕПАРВОЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Шу йилнинг 9 сентябрида Мухсин Ҳаитов бошқарувидаги Л 43-64 АН рақамли «Москвич» автомашинаси Андижон—Наманган автомобиль йўлининг «Олтинкўл» газлама фабрикаси биноси қаршисида, йўлни қарама-қарши қисмига чиқиб кетиши оқибатида, рўпарасидан келаётган А. Мамасидиқов бошқарувидаги ЛАЗ-695 автобус билан тўқнашган. Натижада «Москвич» автомашинасининг ҳайдовчиси Ҳайитов, йўловчилардан Д. Тошматов, В. Мираҳмедов, 2 ёшлик С. Мансуров ва шахси вақтинча аниқланмаган яна бир эркак киши воқеа жойида ўлганлар. Бундан ташқари автобус ҳайдовчиси ва унда бўлган 11 йўловчи ҳар хил тан жароҳатлар олишиб касалхонага ётқазилган.

Ушбу ҳодиса юзасидан вилоят ИИБ тергов бошқармаси томонидан Ўз.Р.ЖКнинг 208-моддасининг 3-қисми асосида қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бормоқдалар.

Шуниси ачинарликим, бир бепарво шофёрнинг лоқайдлиги оқибатида тўрт киши ўлиб, 11 киши турли жароҳатлар олиб касалхонага ётишга мажбур бўлди.

Ф. ҚИЛИЧЕВ.

Бизга мактуб ёзадилар

ВАҚТДА ГАП КЎП

Нарх-навонинг кун сайин ўсиши ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Тўғриси иқтисодий қийинчиликлар жиноятчиликнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар халқимиз билан биргаликда текинхўрларга қарши курашни бошлади. Энг асосийси оз бўлсада кутилган самаралар олинди. Бу катта ишларнинг бошида республикамиз Президенти И. Каримов борлигини халқимиз ҳис қилиб турибди. Шунинг учун жиноятчиликка қарши курашда ижобий силжишлар бўлмоқда. Аммо, текинхўрларга қарши курашда журналистларнинг катта меҳнатини тан олишимиз керак. Газеталаримиз саҳифаларида уюшган жиноятчиликка қарши кураш қандай бораётгани тўғрисида мақолалар бериб борилмоқда. Телевидение ходимлари ҳам қўлларидан келганча хизмат қилишяпти. Буни кундалик кўрсатувлардан ҳам билсак бўлади. Аммо, баъзи кўрсатувлар кундуз куни бўлади. Бундай пайтлар кўпчилик ишда бўлади, Масалан: жиноят кўчасига кираётган ёшларни бу йўлдан қайтариш учун бериб бориладиган «Ўсмир ва қонун» кўрсатуви охирги сони кундуз куни берилди.

Кўрсатув жуда яхши тайёрланган. Ижодкорлари кўп меҳнат қилганлиги сезилиб турибди. Агар «Ўсмир ва қонун»га ўхшаш кўрсатувлар кечқурун кўрсатилса, бунинг тарбиявий аҳамияти бениҳоят катта бўларди. Чунки буни ўқувчилар ҳам кўради. Фикр қилади. Айниқса ўқувчиларга мўлжалланган кўрсатувлар кундузи бўлса, ҳамма дарсда бўлади. Агар «Ўсмир ва қонун» кўрсатувини соат 18.00 дан кейин беришса ҳамма ўқувчилар кўради. Ўйлайманки, Республика телевиденеси раҳбарлари менинг таклифимни тўғри тушунар.

Шокир НИЕЗОВ,
Сирдарё вилояти, Гулистон тумани.

УМИДИМИЗ СИЗЛАРДАН

Бошимизга кулфат тушди. Шу йил 4 август куни уйдан чиқиб кетган қизим Умида қайтиб келмади. 6-август куни унинг жасади туманимиз кўлидан чиқди. Ўша куни кўлдан Салоҳиддин исмли йигитнинг ҳам жасади топилди. Фарзандларимизнинг сирли ўлими бизни ўйлантириб қўйди.

Фожеанинг илдизи чуқур. Фарзандимиз қотиллари деб гумон қилинган шахсларни сўроқ қилишларини илтимос қилиб туман ички ишлар бўлимига ва туман прокуратурасига қилган мурожаатларимизнинг фойдаси бўлмади. Улар қизингиз сувга чўкиб ўлган дейишмоқда. Мен қизим Умиданинг сувга чўкиб ўлганига ишонмайман. Қизимдан ёлғиз ёдгорлик 4 ёшли неварам қолди. У ҳар куни ойисини сўроқлаб зорланиб йиғлаб чиқади. Ҳовлимиздаги гулларни кучоқлаб йиғлайди. «Ойижонимнинг гуллари» деб.

Ҳурматли таҳририят! 4 ёшли неварам ҳаққи, бегуноҳ қизимнинг руҳи, сизлардан ўтиниб сўрайман. Қотилларни топиб жазо берсаларингиз.

Н. ОЛТИБОЕВА,
Самарқанд вилояти. Оқдарё тумани, Пушкин кўчаси.

ҲАҚИҚАТ КИМ ТОМОНДА?

Халқимизнинг ҳовли олма, қўшни ол деган ҳикматли гапида кўп маъно борлигига ҳаётда ишонч ҳосил қилдим. Чунки ён қўшнинг билан тинч-тотув яшамасанг, ҳаётингда ҳузур-ҳаловат бўлмас экан. Қўшнимиз У. Зокиров билан орамиздан оламушук ўтди. Охири жанжал билан тугади. У мени қаттиқ калтаклади. Натижада 70 кун касалхонада даволандим. Оқибатда 3-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Бугунги кунда ногиронлик нафақаси билан зўрға кун кўраяпман. Зарбдор тумани суди У. Зокировни Ўз. Р. ЖКнинг 88-моддаси «А» банди билан айбдор деб топиб, 2 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди. Мен эса бир умрга ногирон бўлиб қолдим. Суд ҳукмидан норози бўлиб вилоятдаги бир қанча ташкилотга ариза ёздим. Аммо, ҳеч ким инобатга олмаяпти. Ҳурматли таҳририят, бу масалада ёрдам берсангиз.

С. АЛИЕВ,
Зарбдор тумани «Ударник» давлат хўжалиги.

АРАВАЧАМ БУЗИЛИБ ҚОЛДИ

Ҳурматли таҳририят! Узоқ ўйлаб сизларга шикоят хатини ёзишга мажбур бўлдим. Сабаби, 1-гуруҳ ногироніман. Аҳволим оғир, ногиронлар аравачасисиз бир қадам ҳам юра олмайман. Беш йил олдин олган аравачам бугун яроқсиз бўлиб қолди. Қўлсиз-оёқсиз ҳолга тушиб қолдим. Бекобод тумани ҳокимлигига бир неча бор ариза билан мурожаат қилдим, ҳеч ким келмади. Ҳолимдан хабар оладиган инсоннинг ўзи бўлмади. Охири сизларга ёзишга мажбур бўлдим.

Салом билан

Ф. НОРҚУЛОВ,
Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Навоий номли жамоа хўжалиги, «Ғалаба» бўлими уч. № 2.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ХУЛОСАСИ

(Боши 1-бетда).

чилик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларга мос эмас ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларга зид деб эътироф этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига биноан ушбу хулоса эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларида ва жиноят кодексининг 191-3-моддасида мустаҳкамланган нормалар ўз кучини йўқотади.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 120, 121, 122-моддаларига ва жиноят кодексининг 191-3-моддасига асосланган норматив ҳужжатлари ҳам ушбу хулоса эълон қилинган кундан бошлаб Конституцияга мос эмас деб эътироф этилади.

4. Таъкидлаб ўтилсинки, якка тартибдаги уй-жой қурилишининг меъёрларини тартибга солиб турувчи нормалар бекор қилиниши билан бирга, якка тартибдаги қурилиш белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда, бошқа фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини камситмаган тарзда амалга оширилиши лозимлигига эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси вазифасини бажарувчи
Ш. ЎРАЗАЕВ.

ШЕЪР ЎҚИЁТГАН ПРОКУРОР

Мансабдор бўлгач кўпчилик ўзгаради. Кўп бор бунинг гувоҳи бўлганман. Бу сафар эса...

Акбаржон акани эскитдан билардим. Бироз ўжар, шу билан бирга кўнгилчан ўспирин, уйқусиз тунларини қонунларнинг икир-чикирларини ўрганишга бағишлаган талаба... Дорилфунунни тугатгач, бир неча йил Қўқондан Қувага қатнаб ишлади. Қийналди. Лекин сир бой бергани йўқ. Ўзи феъли шунақа: кўнглидан ўтганини энг яқин кишисига ҳам айтавермайди.

27 ёшида Данғара тумани прокурори этиб тайинланди. Шундан кейин бошқа учрашмагандик.

Оддий одамлар назарида прокурор фақат жазолаш учун яралгандай. Уларни қаҳри қаттиқ, бағритош санашади. Аслида ҳам турли-туман жиноятчилар, ашаддий одамхўрлар билан мулоқотда бўлавериш кишининг дийдасини қотириб юборади. Гоҳо кўнгилчанлик, меҳр-муҳаббат ўрнини нафрат эгаллайди. Шу сабабли Акбаржон ака билан бу алфозда учрашиш мен учун кутилмаган ҳодиса бўлди. У шеър ўқирди. Ўқиганда ҳам катта даврада, юракдан чиқариб ўқирди:

Булутларга ёндош осмон остида,
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қиличнинг дамидай арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дарбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқишланг,
Қаранг у нақадар эпчил ва ўктам.
Биз-чи, эй... баъзи бир кўзи очиқлар
Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.

Шеър бизни қайта учраштирди. Ўтган йилларни эсладик.

ҲАҚИҚАТ БОР ЭКАН ДУНЁДА

Акбаржон узоқ ишлолмайди, башорат қиларди кўпчилик. У ўта ҳақиқатпарвар, бундайлар ҳаммагаям ёқаваермайди.

«Эгаллаб турган вазифасига лойиқ эмас». Иш бошлаганидан икки-уч ой ўтмай вилоят фирқа қўмитасига шундай мактуб борди. Райкомнинг биринчи котиби янги прокурордан норизо эди.

— Биринчи котибимиз билан ижроқўм раиси орасида гап қочибди. Бир-бирларининг ишларидан кир ахтара бошлашди,— деб эслайди Акбаржон ака Азизов.— Бир куни биринчи котиб чақириб раиснинг хатоларидан сўз очди. Тўғрисини айтдим. Шахсий адоватларинг бўлса, ўзларинг ҳал қилинглар. Бировларнинг ноғорасига ўйнаш менинг табиатимга тўғри келмайди, дедим.

Ғазабланган биринчи котиб дуч келган йиғинда прокурорга тош отадиган бўлди: «Прокурор ёш экан, иш бермаяпти». Охири вазифасидан бўшатишларини сўраб обкомга ёзишди. Бунгача бюрода муҳокама қилишди.

Кўпчилик ана шундай тўқнашувларда синади, ўзлигини йўқотади. Раҳбарлар соясига салом берадиган ялтоқига айланади. Улар эгаллаб турган курсиларига сажда қиладилар. Таассуфки, бундай муросасозлар ҳаётда яхши яшайдилар. Имтиёзу имкониятларга қадр-қимматларини алмашадилар. Бир кун келиб замона ўзгарса-чи? Халқнинг, одамларнинг юзига қандай қарашади улар?

Акбаржон ака бундайлар сирасига кирмайди. Кирмагани учун ҳам хотиржам яшолмайди.

— Шукурки, ҳақиқат бор экан, яхши одамлар бор экан. Ўшанда биринчи котибнинг хатига эътибор беришмади. Агар обкомдагилар ҳам менга қарши туришганида ёмон зарбага учрардим.

У юзма-юз сўзлашишни ёқтиради. Орқаваротдан гапириб юрадиганларни жини суймайди. Шу боис райком котибига ҳам кўнглидагини айтди. Балки ростдан ҳам «ёшлик» қилиб ишини эплолмаганида катганинг гапини икки қилолмасмиди. Ҳақлигига ишонди. Шу ишонч уни қутқариб қолди.

Орадан олти ой ўтар-ўтмас ўша райком котиби мансабини суиистеъмол қилганликда айбланиб ишидан олинди.

ЖИНОЯТЧИ ҲАМ ИНСОН

Бировни озодликдан маҳрум этишдан оғир нарса йўқ. Шу боис икки кишига бу ҳуқуқ берилган, биринчиси — судга, иккинчиси — прокурорга. Фақат шуларгина инсонни табиат ато этган ҳуқуқдан маълум муддат маҳрум қиладилар. Бунинг юки, масъулияти оғир.

— Жиноятчиларнинг бола-чақаларини кўрганда эзилиб кетаман. Аслида биз жиноятчини эмас, унинг бола-чақасини жазолаяпмизми, деб ўйлайман. Жиноятчи минг ваҳший бўлгани билан яқинлари учун азиз-да.

Акбаржон ака жиноят қилиб одамийлик қиёфасини йўқотганларга ҳам инсон сифатида қарайди. Уни тушунишга ҳаракат қилади. Балки шу сабаб ҳам ўзи қамашга «санкция» берган жиноятчилар озодликка чиққач, тасодифий учрашувларда ундан саломларини аяшмас.

— Шундай ҳоллар бўладики, ҳаракатида жиноят состави бор. Бирорта гуруҳга билмай кириб қолганми, жиноят содир этилган жойда маст ҳолда ухлаб қолганми. Қамайман десанг, увол кетади, қўйиб юборай десанг, қонунга тўғри келмайди. Айрим қонунларимиз мукаммал эмас-да. Улар билан бугунги муносабатларни тартибга солиб бўларканми? Қонунларимиз ижтимоий муносабатлардан ортда қоляпти. Хорижий мамлакатларда аналогия деган гап бор. Ҳаётдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб ҳукм чиқариш ҳуқуқи судга берилган. 1959 йилдаги қонун қандай қилиб бугунги кундаги ўзгаришларни қамраб олсин? Ҳаёт эса кун сайин ўзгариб боряпти.

Тўғри, қонуншуносларимиз янги, мукаммал қонун борасида изланишяпти. Балки яқин кунларда бу изланишлар ўз самарасини берар.

Вазифамиз жазолаш эмас, тарбиялаш, деб ҳисоблайди у. Саккиз йиллик фаолияти давомида бирор кишини жиноий жавобгарликка қонунсиз тортган эмас. Шунинг учун ҳам жиноятчилар озодликка чиққандан кейин унинг олдига ёрдам сўраб келишаверади.

— Гурунч курмаксиз бўлмаганидек, маҳалламизда интизомсиз ёки қонунбузар болалар ҳам бор,— дейди Данғара шаҳарчасидаги Увайсий номли маҳалла қўмитасининг раиси Жўрали Эргашев.— Бешта йигитимиз муқаддам судланган. Уларни ишга жойлаштиришга прокуратура ходимлари кўмаклашишди. Масалан, ака-ука Исоқовларни шахсан прокуроримизнинг ўзи ишга жойлаштириб қўйди.

Акбаржон аканинг айтишича, майда безорилар, ўғрилардан кўра ашаддий жиноятчилар билан ишлаш осон. Далил-исбот билан фикрингни етказолсанг, бўйинларига олишади. Лекин қўшиб-чатсанг, асоссиз айб қўйсанг, улар бу адолатсизликка чидашолмайди. Энг асосийси у ким бўлишидан қатъи назар шахсиятига тегмаслик, қадрини оёқ ости қилмаслик керак.

х х х

— Данғара туман прокуратураси ўзининг ишчанлиги, қонунчиликка қатъий риоя қилишни таъминлаши, туманда адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши йўлидаги ишлари, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир бўлганларини тезроқ очиш борасидаги жиддий ҳаракатлари билан ажралиб туради,— дейди Фарғона вилояти прокурори Ёқубжон Жалолов.— У ёки бу туманга янги прокурор тайинлар эканмиз, биз уларга Данғара тумани прокуратураси тажрибасини ўрганишни тавсия этамиз.

Ибрат олса арзийдиган ишлар эса талайгина. 1992 йилда содир этилган 284 та жиноятдан 268 таси очилди. Туман ички ишлар бўлими терговчилари томонидан 108 та жиноят ишлари тугатилиб, шундан 94 таси айблаш фикри билан судга юборилди. 14 та жиноят иши эса дастлабки тергов даврида бекор қилинди.

Жиноят ишларини судда кўришда 39 маротаба прокурор иштироки таъминланди. Бекор бўлган ва ўзгартирилган ҳукм ва ажримларнинг тўртдан уч қисми прокурор эътирози асосида амалга оширилди.

Энг асосийси бу ерда ўзлигини йўқотмаган инсонлар ишлашяпти. Давр ўзгарди, замон ўзгарди, лекин Акбар ака ўзгармабди. Ўша-ўша.

Муяссар МАНСУР қизи,
Фарғона вилояти.

ОБУНА — 94

ҚИММАТ, ЛЕКИН ЧИДАСА БЎЛАДИ

Бунақа воқеалар тез-тез бўлиб туради. «Ҳаёт ва қонун» саҳифаси чоп этилгандан кейин икки-уч кун ўтгач, таҳририятга гоҳ у, гоҳ бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан кимдир келади-да, «шунақа нарса чиққан экан, газета дўконларини қидириб тополмадик, бўлса иккита, бўлмаса битта газета топиб беринг», деб туриб олади. Иложи борича илтимосни бажаришга ҳаракат қиламиз. Лекин сўралган газета сонини тополмай ҳижолатда қолган вақтларимиз ҳам бўлади. Афсуски, бунга ишонишмайди. «Ўзларингиз шу ерда ишлаб туриб...» Қани энди тушунтириб бўлса. «Ҳай, барака топгур, биз босмахона эмасмиз, қолаверса, босмахонада ҳам газета сақланмайди, чоп этилган заҳоти матбуотни тарқатиш тармоқлари орқали бутун республикага тарқалиб кетади», десак ҳам ишонишмайди.

Йўқ, бу таъна эмас. Муштарийларимиз бизни тўғри тушунадилар, деган умиддамиз. Гапнинг лўндаси, чиндан ҳам биз барча илтимосларни бажарадиган даражада эмасмиз. Имкониятларимиз чекланган. Шунинг учун баъзи илтимосларингизни бажара олмаган бўлсак, маъзур тутасизлар.

Назаримизда, ҳижолатпазликдан қутилишнинг ягона йўли, бу ҳар қанча қиммат бўлмасин, обуна бўлиш! Бир йилгами, ярим йилгами, буни ҳар ким ўзи ҳал қилгани маъқул. Ҳар қалай, қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар-ку! Биз бу ерда — таҳририятда ўзимизга ҳомчўт қилиб кўрдик. Агар ҳуқуқшуносларимизнинг лоақал ярми «Туркистон»га обуна бўлса ҳам, белимиз анча бақувват тортиб қолар экан. Ҳуқуқшунослар ташаббусига бошқалар қўшилса борми, унда «Туркистон»нинг омади келди деяверинг!

Тўғри, обуна нархи бултургидан сезиларли даражада қиммат. Лекин чидаса бўлади: тижорат магазинларида турган оддий кўйлак нархидан анча арзон.

1 ОЙГА — 1214 СЎМ
3 ОЙГА — 3642 СЎМ
6 ОЙГА — 7284 СЎМ
1 ЙИЛГА — 14568 СЎМ
Нашр кўрсаткичи: 64607.

Дарвоқе, газетамиз келгуси йилда ҳафтада уч марта нашр қилинади. Қоғоз ва умуман матбаачилик харажатлари бениҳоя ошиб кетган бир пайтда бу ҳам катта гап.

Обуна бўлинг, ютқазмайсиз!

«ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ
ЖАМОАСИ.

Аминжон ШУКУРОВ — таниқли ёзувчи ва журналист. У ҳам тожик тилида, ҳам ўзбек тилида ёзади. Унинг «Ноку намак» китоби тожик китобхонлари даврасида қўлма-қўл бўлиб кетгани каби «Дийдор» китоби ҳам ўзбек китобхонларига жуда манзур бўлган. Шу кунларда «Зарафшон» нашриёти унинг «Бозгашт» қисса ва ҳикоялар тўпламини, «Ёзувчи» нашриёти эса «Жар» номли ажойиб китобини нашрга тайёрламоқда.

Таваллуд тўйини кўркам ижодий режалар билан кутиб олаётган азиз ҳамкасбимиз Аминжон Шукуровни муборак олтмиш ёши билан қутлаб, «Қиёмат» қиссасидан бир лавҳани муштарийларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Аминжон ШУКУРОВ

ҚИЁМАТ

...Одесса бандаргоҳида ҳужжатларни кўздан кечириш, қайд этиш расму русумлари бекаму кўст ижро этилгач, рухсат муҳри босилди, сайёҳлар сафарга шайландилар. Кемада уч-тўрт кишилик ҳужралар борлигини яхши билган ишбилармон Султоной дугоналари билан тезда йўлак бошидаги бир ҳужрани эгалладилар ва жамадону юк ташишдан кутулдилар. Туркия сафарида дугоналарга Ғанибой амакисининг хотини шаддод ва уддабуро, ўтакетган савдогар Ойгул ҳам ҳамроҳ бўлган эди. Хотини қачонки, саёҳатга чиқса, Ғанибой албатта мана шу қариндошини қўшиб жўнатарди.

— У бало, ҳамма мушкулга нажот топади. Барча ташвишларингизни хамирдан қил суғургандай ҳал қилади қўяди. Энг муҳими савдо борасида суяги «йўқ», деб таърифларди Ойгулни, лекин аслида хотинини ҳарис кўзлардан асраш учун уни пушту-паноҳ деб биларди.

Ниҳоят, кема лангарини кўтарди, йўлга тушди, ҳанузгача югур-югурлар ташвиши билан банд йўловчилар секин-секин ўринларига жойлашиб, тин олдилар.

Бухоролик дугоналар ҳужрасида чой ичишга ҳозирлик кўрилаётган эди. Йўл азоби, озиқ-овқат етишмовчилигини яхши билган аёллар уйларидан ўзларига керакли емишларни олиб чиққан эдилар. Бу ишларда суяги қотган Султоной ва Ойгул икки-уч шишадан армапу мажор коньякларини ҳам ҳар эҳтимолга қарши юк халталарига яширинча солиб олишган эди. Ҳозир Султоной шулардан биттасини чиқариб, дастурхонга қўйди.

— Бизнинг Ғанибой нарху наво баландлигини, сизнинг эрингиз эса Вазирахон, иши кўплигини баҳона қилиб, сафардан юз ўгиришди. Ойгулнинг эри ҳам, албатта, бирон важ топгандирки, биз уч дугона эркакларсиз саёҳатга йўл олдик,— деди Султоной дўмбоқ кафтларини бир-бирига ишқаб. — Ҳеччиси йўқ, бир мунча эрдан узоқлашиш аёлни уларнинг кўзларига тағин азизроқ қилади. Қани, дугонажонлар, марҳамат, тортинмай олаверинглар. Ғамаламнинг уйи куйсин, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб, бу тўрт кунлиқ дунёда кўнгилхушлик қилинг!

— Офарин, келинмулло! Сиздай улфат билан сайрга чиқишнинг ўзи бахт. Рост айтасиз, қачонгача тўрт девор орасида, ўчоқ бошида уймалашиб юрамиз. Эркаклар ҳам бир оз пишир-туширга урнасалар ҳеч бало урмайди. Аксинча, қадримизга етиб, дўғу дабдабалари пасаяди, шундай эмасми. Вазирахон?— дея Ойгул завқ билан коньяк шишасини очдию пиёлачаларга оз-оздан қуя бошлади.

Вазирахон лом-мим демасди. Эрининг сафар олдидан қилган хархашаларидан унинг кўнгли ҳамон хуфтон эди. У Ойгулнинг гапларига жавобан зўраки табассум билан:

— Рост, ташвишимизнинг адоғи йўқ. Магазин кезишу бозорга югуриш жонга теггди. Турмуш ўтказиш кун сайин оғирлашмоқда. Оғриқсиз бош қолмабди, дугонажонлар. Ҳар зоғда бир доғ бор,— деди қандайдир шавқсиз оҳангда. Унинг юрагида шундай истиҳола бор эди: олам кўрган бу икки аёл барча ниятларини амалга оширадилар, аммо, унинг қўли қисқа, Ғанибойнинг уйида ўтган базми жамшид-зиёфат кечасида олифта турк меҳмонлар уй эгаларига туҳфа қилган қимматбаҳо буюмлар Вазирахоннинг кўз ўнгидан ўтмоқда эди. Ўша кеча олийқадр меҳмонларни кузатиб бўлгач, Султоной уни бошқа хонага олиб ўтди-да, ял-юлт товлангувчи антиқа моллар тугилган бўғчани очиб, бир даста чет эл пулини шарақлатиб кўз-кўз қилди. «Бу долларлар, жонгинам, ҳар қандай эшикларни очадиган калит. Эрингиз истеъдодли наққошу, аччиғингиз чиқмасин тағин, аммо роса каллаварам экан. Исмоил Оқсошнинг расмини дастурхон бошида бир лаҳзада шундай чиздики, меҳмонларнинг оғзи очилиб қолди. У ҳамёнидан бир даста мана шунақа пулдан чиқариб эрингизга чўзди ва: «Олинг, суратни кейин эпақага келтириб, жўнатарсиз», деди. Эрингиз эса «Ҳали битмаган ишга ҳақ олмайман», деса бўладими?»

Вазирахоннинг нотинч кўнгли қайта бузилиб, иштаҳаси бўғилган эди. Тоқати тоқ бўлаётган Султоной:

— Ҳой, Вазирахон, бунча ғуссага ботдингиз,— деди кескинроқ оҳангда. — Одам деган эрига бу қадар жон фидо бўлмайди. Уруғи Бағдоддан келган бўлса ҳам, эр—хотиннинг қули. Икки-уч зарбингизни ўтказинг, айтганларини назарга илманг, ипакдай юмшаб қолади, тўғрими, Ойгулой?

— Келинмулломиз гапнинг пўст-калласини айтдилар.

Ойгул аввал Султоной, кейин Вазирахон билан майли пиёлаларни уриштирдию:— Олинглар, ҳаёт гули саналган ўзимиз учун ичайлик,— дея ўзи шартта сипқорворди.

Суҳбат қизиб борарди. Гурунг мавзуи тез-тез ўзгариб турарди. Ташвишлардан фориғ, нуқул саёҳат, олди-сотди хаёлида банд, турк дўстлари билан навбатдаги учрашув иштиёқида ёнаётган сархуш дугоналар иккинчи шишани ҳам бўшатиб, энди уйқу тараддудига тушган пайтда, Султоной туйқус:

— Вазирахон, тайинлаганларимни бажардингизми? — деб сўраб қолди.

— Юз фоиз! Хотиржам бўлинг, Султоной,— деди у.

— Жуда соз. Дўстлар ҳисоби дилда. Ҳали Истамбул бозорида булар қўл келади, дугонажон. Ўзингиз ҳам камкўстларингизни битказгандирсиз?

— Қисман... Каримжон акамнинг ишлари негадир юришмаяпти. Пулдан сал... Агар видеомагнитофонлик бўлсам, у кишининг олдида бир оз тилим узунроқ бўлармиди? Исмоил Оқсош бизга ҳожатбарор бўлармиканлар?

Султоной дугонасига жавоб беришдан олдин сеҳрли нигоҳини суҳбатдошига тикиб, табассум билан:

— Оқсош ҳам, Маҳаммад ҳам, Кенам ҳам бадавлат одамлар,— деди. — Лекин савдогар-да! Бундай одамлар, «сиздан угина, биздан бугина», қабилида иш тутадилар, дугонажон! Видеонинг нархи Истамбулнинг ўзида ҳам жуда баланд эмиш.— Бу гапидан дугонасининг учқур хаёли паришон бўлганини сезган Султоной қўшиб қўйди.—Усул ноғорачининг қўлида, Вазирахон. Агар биз хуштакаллуфу серилтифот бўлсак... Албатта-да!

«АЛПОМИШ»ДА...

Бир неча кундирки, Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида «Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги» учун бокс бўйича Халқаро турнир давом этмоқда.

Буни шаҳримиз меҳмонлари ҳам, ишқибозлар ҳам ҳар дақиқа ҳис қилиб туришибди. Тайёргарлик ишларини юқори даражада амалга оширган ташкилий қўмитанинг фаолияти бу турнирнинг юқори савияда ўтишини таъминламоқда. Кўчаларга турнирнинг нишон, иштирокчиларни олқишлаб битилган ёзувлар, газета, телевидение, радиодаги ташвиқотлар бунга мисол. Бу бежиз эмас, албатта. Республикамизда спортнинг бокс турига қизиқиш азалдан кучли.

Бугун ва эртага Халқаро турнирнинг асосий финал қисми бўлиб ўтади. «Алпомиш» спорт саройи шу кунлари янада гавжум бўлиши кутилмоқда. Курашларнинг дастлабки босқичларидан муваффақиятли ўтиб, ярим финалга йўлланма олган ҳамюртларимиз Ҳ. Аҳмедов, Р. Панарин, С. Тошматовларга фақат ғалаба тилаб қоламиз.

Иштирокчиларнинг жуғрофияси кенг бўлиши кутилаётган бу турнирга Россия пойтахти Москвадаги сиёсий воқеалар ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Айрим давлат жамоалари Москва орқали етиб келишлари лозим эди. Улар ўз узрларини айтиб, халқаро турнирда иштирок эта олмасликларини билдирдилар. Шундай бўлса-да, Тошкентда Афғонистон, Ҳиндистон, Руминия, Марказий Осиё давлатлари, Россиядан келган боксчилар мусобақаларнинг қизиқарли ўтишини таъминламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бокс бўйича бош мутахассиси Мирсолиҳ Соатов эътироф этишича, бу халқаро турнир доимий равишда ўтказилиши кўзланмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Бутунжаҳон ҳаваскор боксчилар уюшмаси президенти А. Чаудри (Покистон) Тошкентда «Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги» турнири жаҳон бокс спортига ижобий таъсир қилишини ва бундан Бутунжаҳон ҳаваскор боксчилар уюшмаси ҳам манфаатдор эканини билдирди.

Хуллас, бугун 9 ва эртага 10 октябрь кунлари Алпомиш спорт саройидаги финал босқичларига барча ишқибозлар таклиф қилинади. Бахслар шиддатли тусда ўтишига кафолот бор.

Нодир МАҲМУДОВ.

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН суратлари.









Келгуси сонда:

- ● БОЗОРГА ЙЎЛ
- ● НОЁБ МУЛК

Газета саҳифаланаётганда:

ТААЖЖУБ

Шу ойнинг бошлари эди. Деҳқонобод — осмонга бўй чўзган, тоғлар билан ўралган туман. Қашқадарёдаги асосан чорвачиликка ихтисослашган бу туман деҳқонбозорига кириб ҳайрон бўлдим.

— Помидорнинг килоси неча сўм?

— 100 сўмдан сотяпман, мабодо мўмайроқ оламан десангиз арзонроқ қилиб бераман.

Эртаси куни Сурхондарёнинг Қизириқ тумани деҳқонбозорида ҳам юқоридаги саволни такрорладим.

— Помидорнинг килоси 200 сўм, олсангиз шу — хоҳламасангиз ана катта кўча!

Қизиқ, Қизириқ тумани асосан деҳқончиликка ихтисослашган, суви ҳам ошиб-тошиб ётибди, аммо... Сабзавот экишга мутлақо эътибор йўқ. Чунки раҳбарлар тугул, оддий деҳқонлар ҳам сабзавотни даладан эмас, бозордан сотиб олишга кўникиб қолишган.

Таажжуб. Ҳар йили хўжаликлар турли сабзавот экиш режаларини бажармайдилар, одамлар минглаб гектарни ташкил этадиган томорқаларига сабзавот экишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бироқ бу на туман раҳбарларини, на хўжаликларнинг бошлиқларини ташвишга солади!

Шундай экан, икки вилоятда ер шароити турлича бўлган икки тумандаги аҳвол осмон билан ерчалик фарқ қилиши табиийдир.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

«ВАРИАНТ»НИНГ ЯНГИ КОМПЬЮТЕРЛАРИ

«Вариант» деб аталган Ўзбекистон—Болгария қўшма корхонасида «Правец—16» ва «Правец—8» маркали такомиллаштирилган янги компьютерларни ясаш ўзлаштирилди. Қўшма корхона ходимлари республика Халқ таълими вазирлигининг ўқитувчилар уйида ташкил этилган кўргазмада янги маҳсулотнинг имкониятларини намойиш қилдилар.

Бу «ақлли машина»ларнинг асосий хусусияти шундаки, улар электрон техника ишлаб чиқарадиган энг йирик Америка фирмаси — Ай-Би-Эм да тайёрланадиган шу тусдаги машиналарга ўхшайди. Яна бир муҳим жиҳат: «Правец—8» ахборотларни узоқ вақт сақлайдиган қурилма билан таъминланган, бу — машинани ишлатишда анча қулайлик туғдиради. Компьютер ташқи кўринишининг яхшилангани кўпгина мутахассислар, ўқув юртларининг ходимларини қизиқтириб қўйди.

— Маҳсулотимизни тайёрлаш учун зарур бўладиган бутловчи асосий қисмлар Болгариядан келтирилади, — деди «Вариант» қўшма корхонасининг бош директори Д. Узоқов. — Лекин ходимларимиз кўпроқ ўз кучларига суянишга аҳд қилдилар. Чунончи, корхона конструкторлари компьютерни принтер билан туташтирадиган махсус мосламани яратиб, ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Бу мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқариладиган турли туркумга мансуб ЭҲМларнинг бир-бирига мос келиши имкониятини кенгайтирди. «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги «Дебют» ширкатининг юқори малакали мутахассислари биз билан тузилган шартномага кўра юқори малакали мутахассислари биз билан тузилган шартномага кўра «Вариант» учун эҳтиёт қисмлар, бошқа бутловчи деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

pop-corn

ОКБРУ бодроқ ишлаб чиқарадиган 200 минг сўмлик "Бодроқ" аппаратини тавсия этади.

Техникавий хусусиятларига кўра бу аппарат Америка "Попкорн"ларидан қолишмайди, баҳоси эса улардан уч карра арзон.

Харид қилиш масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:
700090, Тошкент шаҳри,
Бобур кўчаси, 77-уй, ОКБРУ
тел. 55-16-11

ГКО 'Универсал'

Баҳоси шартномавий.
Харид масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:
700090,
Тошкент шаҳри,
Бобур кўчаси, 77-уй,
ГКО "Универсал"
тел.:55-17-60.

ГКО "Универсал" уй шароитида ем тайёрлаш қурилмасини тавсия этади, бундан ташқари у қишлоқ хўжалик экинларини, қуруқ буғдой, жўхори, соя, ерёнғоқ донларини ҳамда қуритилган мевалар ва сабзавотларни майдалаш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

МИЛЛИОНЕР ТАЛАБА ЧУВ ТУШДИ

«Москва — Бухоро» йўналишида қатновчи 691-рейсдаги ҳаво кемасида Бухорога келган йигит тайёрагоҳдаги божхона ходимларининг кўригидан эсон-омон ўтиб олишига шубҳа қилмасди. Чунки унинг жомадону тўрвахалталарида, сафарга чиққанда фойдаланадиган бир сидра кийим-кечак, кундалик эҳтиёж учун ишлатиладиган устара, совун, атир ва сочиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Лекин кўпни кўрган божхона ходимлари йигитнинг ҳаракатларида қандайдир сохталик борлигини сезиб қолди.

— Буюмларингизни кўрикдан ўтказдик. Ҳаммаси жойида. Энди, илтимос, белингизга сириб боғланган тугунчани ҳам кўриб қўйсак. Малол келмаса, костюмингиз барини сал кўтарсангиз.

Божхона ходимининг мулозамат ила қилган таклифи москвалик йигитнинг капалагини учирди, аммо ранги оқарса-да, сир бой бермасликка интилди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? Нима, кўринишимдан қуролланган бандитга ўхшайманми, қуролим бўлганида, мени Москвада тайёрага ўтказишармиди? Устингиздан шикоят қиламан, мени тинтув қилишга ҳаққингиз йўқ!

Шаллақилик иш бермади. Божхона ходимлари унинг белига боғланган махсус белбоғдан ўн миллион тўққиз юз минг сўм пул топди.

Божхоначилар миллионер йигитнинг шахсини аниқлади. П. Блохин Москвадаги геология институтининг иккинчи босқич талабаси экан. У Россияда аллақачон муомаладан чиққан пулни Бухорода ишлатиб, энг ноёб буюмларни юртига олиб кетишни ихтиёр этганини тан олди. Москвалик талабанинг миллионлари давлат ҳисобига мусодара қилинди.

— Афсуски, бу ягона ҳол эмас, — дейди Бухоро вилояти давлат божхонаси бошқармасидан Ражаббой Species